

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВ МУСТАҚИМ РОФИЕВИЧ**

**КОНДЕНСИРЛАНГАН ВА НАНОЎЛЧАМЛИ ТИЗИМЛАРДАГИ  
ФЛУКТУАЦИЯВИЙ ВА ПАРАМЕТРИК ҲОДИСАЛАР**

**01.04.07-Конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата  
диссертации доктора физико-математических наук (DSc)**

**Content of the dissertation abstract  
of the Doctor of Science (DSc) on physical and mathematical sciences**

**Жумаев Мустақим Рофиевич**

Конденсирланган ва наноўлчамли тизимлардаги флуктуациявий ва параметрик ҳодисалар..... 3

**Жумаев Мустақим Рофиевич**

Флуктуационные и параметрические явления в конденсированных и наноразмерных системах ..... 29

**Jumaev Mustakim**

Fluctuational and parametric phenomena in condensed and nanoscopic systems ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 65

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВ МУСТАҚИМ РОФИЕВИЧ**

**КОНДЕНСИРЛАНГАН ВА НАНОЎЛЧАМЛИ ТИЗИМЛАРДАГИ  
ФЛУКТУАЦИЯВИЙ ВА ПАРАМЕТРИК ҲОДИСАЛАР**

**01.04.07 - Конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/FM165 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Расмий оппентлар:**

**Комилов Иброҳимхон Комилович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор,  
Россия фанлар академияси мухбир аъзоси

**Нуритдинов Иззатилло**  
физика-математика фанлари доктори, профессор,

**Явидов Баҳром Янгибоевич**  
физика-математика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Бошқирдистон давлат университети (Уфа, Россия)**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек шаҳарчаси, ЯФИ; тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: [info@inp.uz](mailto:info@inp.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек шаҳарчаси, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Ю. Ташметов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

**О.Р. Тожибоев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. PhD

**И. Нуритдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,  
ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида, сўнги йилларда суюқ азот ҳарорати ёки ундан юқори ҳароратларда ишловчи терагерц диапазонидаги жозефсон генераторлари ва детекторларини назарий асослаш ҳамда ишлаб чиқиш амалий юқори ҳароратли ўта ўтказувчанликнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммонинг ечими юқори ҳароратли ўта ўтказгичлардаги ток флуктуациялари статистик табиатининг тўлиқ тушунтирилмаганлиги билан асосланади. Жозефсон уюрмалари нурлатадиган электромагнит нурланишнинг частотавий кенгайиш кўлами магнит оқим квантлари - флаксонларнинг нанотизимлардаги муҳим ролини белгилайди.

Жаҳонда охирги йигирма йилда релятивистик броун ҳаракати ва релятивистик статистик физика муаммоларига бўлган қизиқиш кескин тарзда ошмоқда. Бу релятивистик плазма физикаси (бошқарилувчи термоядровий синтез), релятивистик кинетик назариянинг бир қатор фундаментал муаммоларини ҳал қилиш билан, шунингдек, иссиқлик энергиясининг зарраларнинг тинчликдаги энергиясига нисбати нолдан чексизликгача ўзгара оладиган субатомли тизимлардаги ўта мувозанатсиз релятивистик термодинамиканинг ғайри оддий қонуниятлари билан ҳам бевосита боғлиқдир. Аммо ўта юқори ҳароратларда тўқнашувчи бундай ультрарелятивистик зарраларнинг эффектив кесимини аниқлаш имконини берувчи қатъий назария мавжуд эмас.

Республикамизда ўта ўтказувчи материалшуносликни ривожлантиришда, шунингдек квант ҳолатлар максимал энергиясининг иссиқлик энергиясига нисбати чекли қийматга эга бўлганда Бозе-Эйнштейн конденсацияси ҳосил бўлиш шартини ҳам ҳисобга олиш, замонавий конденсирланган ҳолат физикаси муаммоларни ўрганишда муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Стратегиясида<sup>1</sup> муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан турфа хил магнито-оптик тадбиқларни амалга оширишга хизмат қилувчи кўп қатламли наноўлчамли структураларни лойиҳалаштиришда ушбу тизимларда тарқалувчи тўлқинлар интенсивлигини Фарадей эффектини кучайтириш ёрдамида кескин ошириш усуллари излаб топиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сон “Электротехника саноатини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш чора тадбирлари”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Илмий-тадқиқот фаолиятини бошқариш, ташкил этиш ва маблағлаштириш чора-тадбирлари” қарорлари, ҳамда, ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сон Фармони «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Конденсирланган ва наноўлчамли тизимларда содир бўлувчи флуктуациявий ва параметрик ҳодисаларнинг турли жиҳатлари бўйича тадқиқотлар дунёнинг қатор етакчи илмий-тадқиқотлар марказларида олиб борилмоқда, жумладан: Австралия нозизиқли физика маркази (Австралия Миллий университети), Стокгольм университети физика факультети (Стокгольм, Швеция), Тель – Авив университетининг физикавий электроника бўлими (Исроил), Дебай номидаги наноматериаллар фанлари институти (Утрехт Университети, Голландия), Мэриленд университети Бирлашган квант институти (Мэриленд, АҚШ), Бошқирдистон давлат университети (Уфа, Россия), Москва давлат университети (Россия), В.А. Котельников номидаги радиотехника ва электроника институти (Москва, Россия), Россия фанлар академияси Доғистон илмий марказининг Х.А. Амирхонов номидаги физика институти (Махачқала), Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Ядро физикаси институти ва Физика-техника институти, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети, Турин политехника институти (Ўзбекистон).

Нозичиқли нано тизимлардаги флуктуациявий ва параметрик ҳодисалар бўйича жаҳон миқёсида назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида қатор муҳим илмий натижалар олинган, шу жумладан: магнит оқими квантларининг Жозефсон узатиш тармоқларидаги ҳаракати билан боғлиқ электромагнит нурланиш хусусиятлари ўрганилган (Дания университети); магнитооптикавий эффектларининг кўп қатламли гетероструктуралардаги кучайиши кузатилган (Москва давлат университети, Россия); диэлектрик сингдирувчанлик дисперсиясини ташқи магнит майдони таъсири остида бошқариш имконияти мавжудлиги исботланган (Москва физика ва технология институти, Россия); бинар Бозе-Эйнштейн конденсатидаги тўлқин жараёнлари ўрганилган (Россия фанлар академияси Доғистон илмий маркази Физика институти, Россия); Бозе-Эйнштейн конденсатидаги солитонларнинг стохастик ва параметрик нотурғунлиги аниқланган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти, Ўзбекистон Миллий Университети).

Дунёда конденсирланган ва наноўлчамли тизимлардаги флуктуациявий ва параметрик ҳодисалар бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: магнит оқими квантларининг релятивистик броун ҳаракати ва релятивистик броун флаксонлари идеал газини назариясини ишлаб чиқиш; флаксонларнинг асимметрик ва симметрик тезлик тақсимот функцияларини аниқлаш; флуктуацияларнинг электромагнит

---

<sup>1</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://sciencedirect.com>, <https://istina.msu.ru>, <https://aip.scitation.org>, <https://osapublishing.org>, <https://elsevier.com> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

нурланишлар частотасининг кенгайишига таъсирини аниқлаш; ночизикли - дисперсион наноўлчамли гетероструктураларда (акуст-плазмон ва сиртли Шрёдингер) солитонларнинг шаклланиши ва тарқалишини ўрганиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Конденсирланган ва наноўлчамли тизимлардаги флуктуациявий ва параметрик ҳодисаларни тадқиқ қилиш билан дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида кўплаб олимлар шуғулланишмоқда, масалан, россиялик (В.И. Белотелов, Т.В. Михайлова, А.К. Звездин, В.В. Курин, А.С. Чиркин, А.И. Маймистов), исроиллик (Б.А. Маломед, ва ҳ.к.), австралиялик (Ю.С. Кившар, ва ҳ.к.), германиялик (А.В. Устинов, П. Ханги, Ж. Данкл, Р. Тауц), италиялик (М. Салерно ва ҳ.к.), англиялик (Ж. М. Элджин, Ж. П. Гордон), америкалик (С.А. Дарманян, Р. Хақим), ўзбекистонлик (Ф.Х. Абдуллаев, А.А. Абдумаликов ва ҳ.к.).

Ҳозирги вақтда конденсирланган ва наноўлчамли тизимлардаги флуктуациявий ва параметрик ҳодисалар дунёнинг етакчи олимлари томонидан ҳам экспериментал, ҳам назарий жиҳатдан етарлича батафсил тадқиқ этилган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида наноўлчамли кўп қатламли гетероструктуралар олиш усуллари ишлаб чиқилган, шунингдек, ушбу тизимларда ночизикли тўлқинларни уйғотиш ва кучайтириш усуллари ҳам тақлиф қилинган (В.И. Белотелов, Т.В. Михайлова, А.К. Звездин). Бу тадқиқотлар натижалари асосида турли гибрид структураларнинг электро- ва магнитооптик хоссаларини бошқариш имконияти вужудга келди. Айниқса, ташқи тасодифий ток ва ҳар хил физикавий табиатли диссипацияларнинг биргаликдаги таъсири остида флаксонларнинг электромагнит нурланиши хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган ишлар диққатга сазовордир (Б.А. Маломед, М. Салерно, Ю.С. Кившар, А.В. Устинов, В.В. Курин). Улар флаксонлар нурланишининг спектрал чизиқлари кўринишини ҳамда флуктуацияларнинг электромагнит нурланишлар частотасининг кенгайишига таъсирини аниқлашга имкон берди. Шунингдек интегралланувчи ночизикли эволюцион тенгламалар билан тавсифланувчи тасодифий модуляцияланган тўлқин майдонлари эволюциясининг бошланғич босқичлари ҳам тадқиқ этилган (Ж.М. Элжин, Ж.П. Гордон, А.С. Чиркин, А.И. Маймистов, Ф.Х. Абдуллаев, С.А. Дарманян, А.А. Абдумаликов). Тасодифий ва тартибланмаган муҳитлардаги ночизифий тўлқинларнинг хусусиятлари ўрганилган (Е.Н. Пелиновский, Л. Васкес).

Релятивистик броун ҳаракати ва релятивистик идеал газ назариясига бағишланган ишлар алоҳида диққатга сазовордир (П. Ханги, Ж. Данкл, Р. Зигадло, Р. Хақим, Ф. Деббач, Р. Тауц). Бу йўналишдаги тадқиқотларнинг натижалари релятивистик броун ҳаракати ва релятивистик идеал газнинг ўзига хос хислатларини тушунишга имконият яратди.

Аммо, айна вақтда ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: флаксонларнинг ташқи токнинг чекли флуктуациялари таъсири остида юзага келувчи электромагнит нурланиши (ЭМН) частотасини тавсифлашда назарий ва экспериментал натижаларнинг (ўн ва юзлаб марта) катта фарқлиги. Жумладан [If F.,

Christiansen P.L. et.al. Simulation studies of radiation linewidth in circular Josephson junction fluxon oscillators// Phys.Rev.B, v.32, N.3, p. 1512 – 1518, (1985)] ишнинг муаллифлари ушбу фарқланиш сабабини тушунтириб бера олмадилар; бир ўлчовли релятивистик броун ҳаракатини содир этувчи заррача тезлигининг тақсимот функциясининг ягона эмаслиги, Ито, Стратонович ва Климонтович – Ханги трилеммасини ечишни тақозо қилади [A. Mukhopadhyay et.al. Theory of relativistic Brownian motion in the presence of electromagnetic field in (1+1) dimension //AIP Conference Proceedings, 1942, 110016 (2018)]; ҳозирга қадар давом этаётган – Юттнер тақсимотини “ислоҳ қилиш” йўлида олинаётган ва физикага зид натижаларнинг кўпайиб кетганлиги [Cubero D et.al. Thermal equilibrium and statistical thermometers in special relativity//Phys. Rev. Let. 99, 170601 (2007)], ҳамда уларга чек қўйиш зарурати; Бозе-Эйнштейн конденсацияси (БЭК) нинг нисбатнинг чекли қийматларида амалга ошиш шартларини аниқлаш; БЭКда конденсацияланувчи зарралар сонининг энг кичик қийматини топиш; номагнит диэлектриклардаги Фарадей эффектнинг резонанс-диссипатив назариясини ишлаб чиқиш ва кўп қатламли нано ўлчамли тизимларда магнитооптик эффектларни кучайтириш шартларини аниқлаш; бошланғич тасодиқий модуляцияланган тўлқиний импульсларнинг интегралланувчи ва деярли интегралланувчи тизимлардаги эволюциясини таҳлил қилиш усулини яратиш, шунингдек, флуктуациявий манбалар уйғотувчи солитонлар параметрларининг тақсимот функциясини келтириб чиқариш.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁФ2-1 “Феррит гранатларда ориентациявий ўзаро таъсир инobatга олинган ҳолдаги фазавий ўтишлар ва магнито-оптикавий хоссаларни тадқиқ этиш” (2016-2017), 21-98 сонли “Параметрлари ўзгарувчан ночизиғий тизимларда солитонли структураларнинг шаклланиш шартлари ва хусусиятлари” (1998-2000), ОТ-Ф2-64 “Конденсирланган ва наноўлчамли тизимлардаги флуктуациявий ва параметрик ҳодисалар” (2017-2020) ва халқаро CRDF ZM1-342 ва ZM2-2095, INTAS 96-339 илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** флуктуациявий ва параметрик кучлар таъсири остида бўлган физикавий тизимларнинг макроскопик хоссалари ва уларнинг ўзгаришларини параметрларнинг характери ва табиатини аниқловчи тақсимот функцияларини топиш асосида тушунтиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

магнит оқими квантларининг релятивистик броун ҳаракати ва релятивистик броун флаксонлари идеал гази назариясини ривожлантириш;

тезликларнинг тақсимот функцияси асосида Максвелл – Больцман релятивистик идеал газининг муқобил назариясини ишлаб чиқиш;

квант релятивистик идеал газларнинг чекли-ҳароратли инвариант назариясини зарраларнинг релятивистик импульс функцияси асосида ривожлантириш;

Бозе-Эйнштейн конденсатидаги солитонларнинг энг кичик сонини топиш;

номагнит диэлектриклардаги Фарадей эффектининг резонанс-диссипатив моделини таклиф қилиш;

тасодифий модуляцияланган бошланғич тўлқинли импульсларнинг интегралланувчи ва деярли интегралланувчи тизимлардаги эволюциясини таҳлил қилиш усулини таклиф этиш;

флуктуациявий манбалар уйғотган солитонларнинг ночизигий-дисперсияли наноструктуралардаги параметрларининг тақсимот функциясини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объектини** классик ва квант релятивистик идеал газ, Бозе-Эйнштейн конденсати, шунингдек, кўп қатламли наноўлчамли гетероструктуралар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** квази-зарралар ва одатдаги зарраларнинг релятивистик броун ҳаракати, Максвелл – Больцман релятивистик идеал газ зарраларнинг тавсифий тезликлари, ноквант ва квант релятивистик идеал газларнинг босими, ўртача энергияси зичлиги ва ҳолат тенгламаси, тасодифий модуляцияланган бошланғич тўлқиний импульслардан ҳосил бўлувчи солитонлар параметрларининг тақсимот функцияси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тасодифий жараёнлар назарияси усуллари, солитонлар учун ғалаён назарияси, сочилиш масаласининг тескари усули, кумулянт таҳлил, тақсимот функцияларини алмаштириш усуллари, релятивистик идеал газларни тавсифловчи макроскопик катталикларни зарраларнинг тезлик ёки импульс бўйича тақсимот функциялари асосида ўртачаштириш усули воситасида топиш; сонли моделлаштириш усуллари, назарий ва статистик физика усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор флуктуаланувчи параметрли турли физик тизимлардаги тақсимот функцияларининг вақтга боғлиқ ўзгаришини таҳлил қилиш имкониятини берувчи релятивистик магнит оқими квантларининг (флаксонлар) тақсимот функцияси учун тенглама олинган;

биринчи марта заррачалар тезликларининг релятивистик тақсимот функцияси асосида релятивистик идеал газ зарраларининг тавсифий тезликлари ёруғлик тезлигидан катта бўла олмаслиги кўрсатилган ва шу асосида Планк масаласи ҳал этилган;

илк бор квант релятивистик идеал газларни тавсифловчи макроскопик катталиклар заррачалар импульслари бўйича тақсимот функциясини ўртачаштириш усули воситасида топилган;

вариацион таҳлил асосида Бозе – Эйнштейн конденсатида шакллланувчи солитонларнинг энг кичик критик сони топилган;

Бозе – Эйнштейн конденсатидаги атомларнинг флуктуациявий ўзаро таъсири натижасида юзага келувчи солитонларнинг стохастик параметрик резонанси назарияси ривожлантирилган;

сочилиш масаласининг тескари усули ва кумулянт таҳлил асосида тасодифий ташкил этувчига эга ночизикли тўлқинлар эволюциясини таҳлил қилиш усули таклиф этилган;

қисман когерент ўта қисқа лазер нурланиш манбалари таъсирида уйғотилувчи стохастик бошланғич шартлардан шаклланувчи солитонлар параметрларининг тақсимот функцияси аниқланган.

**Тадқиқот амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

флаксонларнинг асимметрик ва симметрик тезлик тақсимот функциялари топилган;

биринчи марта флаксонлар нурлайдиган электромагнит нурланиш частотасининг ўртача квадратик дисперсияси ташқи токнинг ҳар қандай кўламдаги флукутацияси учун чекланганлиги исботланган;

одатдаги заррачанинг бир ўлчовли релятивистик Броун ҳаракати учун флукутациявий – диссипатив нисбат олинган;

релятивистик идеал газлар зарраларининг ўртача ва ўртача квадратик тезликлари формулалари топилган ва релятивистик идеал газлар ҳолат тенгламаси олинган;

квант релятивистик идеал газнинг зарралар сонининг ўртача зичлиги, ўртача энергия зичлиги, квант релятивистик идеал газ ҳолат тенгламаси келтириб чиқарилган, ҳамда ултрарелятивистик чегарада квант идеал газларининг адиабата кўрсаткичлари ҳисобланган;

номагнит диэлектрикларда магнито-оптикавий эффектларни ташқи магнит майдони таъсирида бошқариш ва кучайтиришнинг нотривиал-резонанс усули топилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий ва статистик физика, Эйнштейн-Фоккер тенгламалари назариясининг замонавий комплекс усуллари кўллаш, аналитик ҳисоблашларнинг сонли моделлаштириш натижаларига мослиги, шунингдек, олинган натижаларнинг умумфизик тасаввурларга зид эмаслиги ва мавжуд адабиётлардаги маълумотлар билан уйғунлиги билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти квазизарралар ва одатдаги зарраларнинг релятивистик броун ҳаракати назариясининг, шунингдек, ноквант ва квант релятивистик идеал газларнинг қатор муҳим хусусиятларини аниқлаштирилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти флаксонлар генерациялаган электромагнит нурланиши частоталари тақсимот функцияси терагерц частоталар соҳасида ишловчи ва юқори ҳароратли ўта ўтказгичлар асосида яратилган жозефсон генераторлари ва детекторларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эгалигидир. Тасодифий модуляцияланган бошланғич тўлқиний импульслар уйғотган солитонлар параметрларининг тақсимот функцияси - кўп қатламли структураларда қисман когерент ўта қисқа нурланишли лазер манбалари генерациялаган акусто-плазмон солитонлари ва Шрёдингер плазмон солитонларининг тарқалишини тадқиқ этишда қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Конденсирланган ва

наноўлчамли тизимлардаги флуктуациявий ва параметрик ходисаларни тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

вақтга боғлиқ ўзгаришини таҳлил қилиш имкониятини берувчи релятивистик магнит оқими квантларининг (флаксонлар) тақсимот функцияси учун олинган тенглама (Фоккер-Планк тенгламасига ўхшаш) Россия фанлар академияси Котелников номидаги Радиотехника ва электроника институтининг “Истикболли магнитокалорик материалларда содир бўлувчи фазавий ўтишлардаги термодинамик ва релаксациявий жараёнларни фундаментал тадқиқ этиш” илмий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Россия фанлар академияси Котелников номидаги Радиотехника ва электроника институтининг 27.10.2020 йилдаги 446-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўрганилаётган тизимларда квазизарралар тезлигининг тақсимот функцияларини топиш имконини берган;

Планкнинг асосий муаммоларини зарралар тезлигининг релятивистик тақсимлаш функциясига асосланган ҳолда ҳал қилиш бўйича натижалар ўқув жараёнида назарий физика бўйича бакалавр дастури ҳамда “Назарий физиканинг танланган боблари” ва “Конденсатланган моддалар физикаси” махсус курсларда магистрлик дастури сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 18.01.2021 йилдаги 89-03-264-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши талабаларнинг конденсирланган ҳолатлар физикасининг замонавий муаммолари ҳақидаги тасавурларини кенгайтиришда хизмат қилган;

квант идеал газларнинг макроскопик хусусиятларини топиш учун зарралар моментларининг релятивистик тақсимот функцияси бўйича ўртача ҳисоблаш усули назарий физика бўйича бакалавр дастури ҳамда “Назарий физиканинг танланган боблари” ва “Конденсатланган моддалар физикаси” махсус курсларда магистрлик дастури сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 18.01.2021 йилдаги 89-03-264-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши талабаларнинг конденсирланган ҳолатлар физикасининг замонавий муаммолари ҳақидаги тасавурларини кенгайтиришда хизмат қилган;

Бозе-Эйнштейн конденсатидаги солитонларнинг топилган энг кичик критик сони “Квант – майдон усулларининг тараққиёти ва ферми-бозон тизимлари, мета-материаллар, графенсимон структуралар, спинорли Бозе-Эйнштейн конденсатларидаги янги фазавий ўтишлар, критик ходисалар, солитонлар топологиясини тадқиқ этиш” мавзусида давлат буюртмаси асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Россия фанлар академияси Доғистон федерал тадқиқот марказининг 27.10.2020 йилдаги 17200-913-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши Гросс - Питаевский солитонларини ҳосил қилиш учун Бозе - Эйнштейн конденсатидаги конденсацияланувчи атомларнинг энг кичик сонини аниқлаш имконини берган;

Бозе-Эйнштейн конденсатидаги солитонлар стохастик параметрик резонансининг ривожлантирилган назарияси Испаниянинг чизиқли бўлмаган муаммоларни ўрганишни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида ишлатилган

(Мадрид университетининг 03.11.2020 йилдаги маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши солитонларнинг изланаётган параметрларининг ўртача қийматларини топиш имконини берган;

таклиф этилган сочилиш масаласининг тескари усули ва кумулянт таҳлил асосида тасодифий ташкил этувчига эга ночизиғий тўлқинлар эволюциясини таҳлил қилиш усули ва аниқланган стохастик бошланғич шартлардан эволюцияланувчи солитонлар параметрларининг тақсимот функцияси чизикли бўлмаган толали алоқа линияларида оптик солитонларнинг тарқалишини ўрганишда фойдаланилган (“МИФИ” Миллий тадқиқот ядро университетининг 29.10.2020 йилдаги маълумотномаси), ҳамда хорижий тадқиқотчилар томонидан ҳам қўлланилган (халқаро журналларда ҳаволалар: Physical Review, E, 78, 031120 (2008); Physical Review, E, 79, 051128 (2009); Physical Review, E, 81, 011141 (2010); Journal of Modern Physics B, 10, 1142 (1991); Physical Review, A, 63, 053603 (2001); Journal of the Physical Society of Japan, 65, 3426 (1996); Physical Review, E, 58, 4166 (1998); Journal of Statistical Physics, 10, 1023 (2001); Physical Review, E, 54, 6313 (1996); Progress of Theoretical Physics, 10, 1088 (2009); Physical Review, E, 71, 056205 (2005); Physical Review, E, 71, 056205 (2005); Physica D, 113, 115 (1998); Chaos, Solitons and Fractals, 39, 1645 (2009); Computational mathematics and theoretical physics, 10, 1134 (2013)). Илмий натижаларнинг қўлланилиши қачонки солитонларнинг тарқалиши Корте - вега де Вриза тенгламаси, синус Гордон тенгламаси ва чизикли бўлмаган Шредингер тенгламаси билан тавсифланган бўлса, шовқин манбалари натижасида ҳосил бўлган солитонлар параметрларининг тарқалиш функциясини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 15 та халқаро ва республика анжуманларида маъруза қилинган, ҳамда муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда – 10 та мақола, улардан 6 таси эса хорижий журналларда.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 7 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 230 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ва


уларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Магнит оқими квантларининг релятивистик броун ҳаракати назарияси**” деб номланган биринчи бобида магнит оқими квантларининг релятивистик броун ҳаракати назарияси, шунингдек, ноодатий газ – Броун флаксонлари релятивистик идеал гази назарияси илк марта тақдим этилган.

Дастлаб флаксонлар тезликларининг асимметрик тақсимот функцияси топилган (1-расмга қаранг)

$$\phi(u) = \sqrt{\frac{a}{\pi}} \cdot \frac{1}{(1-u^2)^{\frac{3}{2}}} \exp \left[ -a \left( \frac{u}{\sqrt{1-u^2}} - b \right)^2 \right], \quad a = \frac{\alpha}{2D}, \quad b = \frac{\pi}{4} \cdot \frac{\gamma_0}{\alpha}. \quad (1)$$

бунда  $u$  – флаксон тезлигининг қаралаётган тизимдаги чегаравий тезлик - Свихарт тезлигига нисбати,  $\alpha$  – диссипация коэффиценти,  $\gamma_0$  - ташқи токнинг доимий ташкил этувчисининг максимал критик Жозефсон токига нисбати,  $D$  - ток флуктуацияларининг нисбий интенсивлиги.



Узлуксиз чизиқ- назария, гистограмма – сонли ҳисоблаш

### 1-расм. Флаксонлар тезликларининг асимметрик тақсимот функцияси

Флаксонлар тезликларининг ушбу тақсимот функцияси Гаусс тақсимоти эмас ва у флуктуациявий токли Жозефсон ўтишларининг нотривиал (яъни, кутилмаган) вольт-ампер тавсифига (ВАТ) олиб келади.


Бу ҳолда  $\Delta u$  кучланишлар фарқи  $b$  ошиши билан номонотон тарзда ўзгаради, яъни нормаллаштирилган доимий ток  $\gamma_0$  ўсганда,  $b=0.5$  ёки  $\gamma_0 = \frac{2\alpha}{\pi}$  бўлганда максимумга эришади.  $\Delta u_m$  ток флуктуацияларининг нисбий

интенсивлиги  $D$  га тўғри пропорционал ва диссипация коэффициенти  $\alpha$  га тескари пропорционалдир (2- расмга қаранг):

$$\Delta u = u_d - \langle u \rangle = \frac{3}{4a} \cdot \frac{b}{(1+b^2)^{5/2}}, \Delta u_m = \frac{24\sqrt{5}}{125} \cdot \frac{D}{\alpha} \quad (2)$$

Сўнгра флаксонлар тезликларининг релятивистик тақсимот функцияси (ТРТФ) олинган бўлиб, у соф тасодифий ток ва диссипация таъсирида қарор топади ҳамда қуйидаги кўринишга эга:

$$\Phi(u) = \sqrt{\frac{a}{\pi}} (1-u^2)^{-3/2} \exp[-au^2(1-u^2)^{-1}] \quad (3)$$




**2-расм. Кучланишлар фарқининг доимий токка боғлиқлиги. Узлуксиз чизиқ -назария, қора ва оқ белгилар – сонли ҳисоблаш ( $\sigma$  :  $\square$  – 0,1;  $\nabla$  – 0,05)**

Флаксонлар ТРТФ таҳлили шуни кўрсатадики, ток флуктуациялари ва диссипация коэффициенти нисбатининг муайян соҳасида ТРТФ графиги икки ўрқачлига айланади ҳамда қуйидаги икки нуқтада максимумга эга бўлади (3-расмга қаранг):

$$u = \pm \sqrt{1 - \frac{2a}{3}} \quad (4)$$

ТРТФнинг бундай ғаройиб ўзгариши - кутилмаган ҳолдир, чунки импульс тезликнинг бир қийматли монотон функциясидир. Шундай қилиб, ТФнинг бу


“нозик табиати”ни олдиндан кўра олиш имконсиз эди ва ТФнинг нозизиғий алмашинуви оқибатидир.



3-расм. Броун флаксонлари тезликларининг релятивистик тақсимот функцияси

Сўнгра флаксонлар тезликлари модулининг ўртача қиймати ва тезлик квадратининг ўртача қийматлари учун формулалар келтириб чиқарилган бўлиб, бу тавсифий тезликлар ток флуктуациялари интенсивлигининг нозизиғий функциясидир (4-расмга қаранг):

$$\langle |u| \rangle = [1 - \operatorname{erf}(\sqrt{a})] \exp a, \quad \langle |u|^2 \rangle = 1 - \sqrt{a\pi} \langle |u| \rangle. \quad (5)$$



4-расм. Флаксон тезлиги модули ўртача қийматининг ток флуктуацияси  $\sigma$  га боғлиқлиги. ■- сонли ҳисоблаш; узлуксиз чизиқ - (5) формула, пунктир –норелятивистик назария

Бу формулалар  $a \gg 1$  бўлганда норелятивистик Броун ҳаракати назариясидан келиб чиқувчи натижаларга айнан мос келади ва охириги назария куйидаги шартлар бажарилгандагина ўринлидир:

$$\langle |u|^2 \rangle \approx \frac{1}{2a} \ll 1, \quad a = \frac{\alpha}{2D} = \frac{E_0}{2kT} \gg 1, \quad E_0 = \frac{I_c \Phi_0}{2\pi}. \quad (6)$$

бунда  $E_0$  – флаксонларнинг тинчликдаги энергияси,  $I_c$  - максимал критик Жозефсон токи,  $kT$  - иссиқлик энергияси,  $T$  – тизимнинг эффе́ктив ҳарорати,  $k$  – Больцман доимийси,  $\Phi_0$  - магнит оқими кванти.

(5) формулалардан  $a$  параметрнинг жуда кичик қийматлари ( $a \ll 1$ ) яъни ультрарелятивистик чегарада куйидаги ажойиб натижалар келиб чиқади:

$$\langle |u| \rangle \approx 1 - 2\sqrt{\frac{a}{\pi}}, \quad \langle |u|^2 \rangle \approx 1 - 2a \quad (a \ll 1). \quad (7)$$

Шундай қилиб, биз тезлик квадратининг ўртача қиймати учун келтириб чиқарган (5) ифодани релятивистик квази зарралар – магнит оқими квантлари учун Эйнштейн муносабатининг релятивистик умумлаштирилиши деб қарашимиз мумкин.

Шунингдек, бу ерда флаксонлар ҳосил қилган электромагнит нурланиш частотасининг ўртача квадратик дисперсияси токнинг ҳар қандай флуктуацияси кўламида чекланган эканлиги ва бунда релятивистик магнит оқими квантларининг яна бир ноёб хусусияти намоён бўлиши биринчи марта исботлаб берилган.

Бобнинг охирида Броун флаксонлари релятивистик идеал газини тавсифловчи ўртача энергия зичлиги  $\rho$ , босими  $p$  ифодалари, ҳамда уларни ўзаро боғловчи ҳолат тенгламалари келтириб чиқарилган.

Диссертациянинг **“Максвел-Больцман релятивистик идеал газининг муқобил назарияси”** деб номланган иккинчи бобида оддий заррачаларнинг бир ўлчовли релятивистик Броун ҳаракати назарияси, бир ўлчовли релятивистик идеал газ назарияси, шунингдек, Максвелл-Больцман релятивистик идеал газининг муқобил назарияси тақдим этилган.

Дастлаб, бир ўлчовли релятивистик Броун ҳаракатида бўлган заррачалар тезликларининг тақсимот функцияси  $F(u)$  топилган:

$$F(u) = \frac{1}{2k_1(b)} (1-u^2)^{-\frac{3}{2}} \exp\left[-b(1-u^2)^{\frac{1}{2}}\right]. \quad (8)$$


Ушбу ифодадан келиб чиқадики, тезликлар тақсимо́ти функцияси  $F(u)$  нинг статистик хусусиятлари заррачаниннг тинчликдаги энергияси  $E_0 = mc^2$  нинг тавсифий флуктуациявий энергияси  $E_{\text{фл}} = \frac{D}{\alpha}$  га нисбатига тенг бўлган  $b$  параметр билан аниқланади (бунда,  $D$  – заррачага таъсир этувчи тасодифий кучларнинг интенсивлиги,  $\alpha$  – диссипация коэффи́циенти). Сўнгра, бир ўлчовли

релятивистик идеал газ нормаллашган тезлигининг тақсимот қонуни қуйидаги кўринишда олинган (5-расмга қаранг):

$$\Phi(u) = \tilde{A}(1-u^2)^{-\frac{3}{2}} \exp\left[-b(1-u^2)^{-\frac{1}{2}}\right], \quad \tilde{A} = \frac{1}{2k_1(b)}, \quad u = \frac{g_x}{c}. \quad (9)$$

Биобарин, бир ўлчовли релятивистик идеал газ зарраларининг нормаллашган тезлигининг топилган тақсимот функцияси  $\Phi(u)$  бир ўлчовли Броун ҳаракатида бўлган релятивистик заррачанинг нормаллашган тезлигининг тақсимот функцияси  $F(u)$  га тўлиқ ўхшайди.

Шунингдек, ушбу бобда Максвелл-Больцман релятивистик идеал газининг муқобил назарияси ишлаб чиқилди.



**5-расм. Бир ўлчовли релятивистик идеал газ зарралари тезликларининг тақсимот функцияси**

Дастлаб, релятивистик идеал газ зарраларининг импульслари учун Максвелл-Больцман тақсимот функциясини тезликлар учун тақсимот функциясига алмаштириш орқали релятивистик идеал газ зарраларининг уч ўлчамли тезликлар тақсимоти олинган

$$\int f(P_x, P_y, P_z) dP_x dP_y dP_z = \int \varphi(v_x, v_y, v_z) D |dv_x dv_y dv_z|. \quad (10)$$

Бунда  $D$ —импульслар  $P_x, P_y, P_z$  дан тезликлар  $v_x, v_y, v_z$  га ўтиш детерминанти бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

$$D = m^3 \gamma^5 = m^3 \left(1 - \frac{v^2}{c^2}\right)^{-\frac{5}{2}}. \quad (11)$$

Қайд этиш жоизки, импульслардан тезликларга ўтиш учун топилган детерминант  $D$  релятивистик идеал газ зарралари импульсларининг ихтиёрий тақсимот функцияси учун ўринлидир.

Энди релятивистик идеал газ зарралари импульсларининг Больцман тақсимоидан фойдаланиб, Максвелл-Больцман релятивистик идеал газ зарралари тезликларининг тақсимот функциясини топамиз:

$$f(\vec{p}) = f(P_x, P_y, P_z) = B \exp\left[-\frac{\sqrt{E_0^2 + p^2 c^2}}{kT}\right]. \quad (12)$$

бунда  $E = mc^2$  – газ зарраларининг тинчликдаги энергияси,  $kT$  – иссиқлик энергияси,  $B$  – тақсимот функциясини нормаллаштириш орқали топиладиган доимий.

Дастлаб, Максвелл-Больцман релятивистик идеал газ зарралари нормаллашган тезликлари модулларининг келтирилган тақсимот функцияси топилган бўлиб, уни қуйидаги ихчам шаклда ёзиш мумкин:

$$\Phi(u) = \frac{b}{k_2(b)} u^2 (1-u^2)^{-\frac{5}{2}} \exp\left[-b(1-u^2)^{-\frac{1}{2}}\right]. \quad (13)$$

Таъкидлаб ўтамизки, норелятивистик соҳада иссиқлик ҳаракат энергияси  $kT$  зарранинг тинчликдаги энергияси  $mc^2$  дан жуда кичик ва параметр  $b = \frac{mc^2}{kT} \gg 1$ , ҳамда зарранинг тезлиги ёруғлик тезлигига нисбатан ҳисобга олмайдиган даражада кичик яъни  $\frac{v}{c} \ll 1$  бўлганда, ТФ  $\Phi(u)$  дан қуйидагини оламиз:

$$F_M(v) = \sqrt{\frac{2}{\pi}} \left(\frac{m}{kT}\right)^{\frac{3}{2}} v^2 \exp\left[-\frac{mv^2}{2kT}\right]. \quad (14)$$

Бу эса машҳур Максвелл тақсимоиди бўлиб,  $u$  - норелятивистик кинетик назария ва статистик физиканинг асоси ҳисобланади.

Шундай қилиб, биз топган релятивистик идеал газ зарралари тезликларининг тақсимот функцияси норелятивистик соҳада норелятивистик идеал газ кинетик назариясининг асоси бўлмиш Максвелл тақсимоидига айланар экан.

Кейинги бўлимда, илк марта релятивистик идеал газ зарраларининг ўртача ва ўртача квадратик тезликлари формулалари топилди, улар қуйидаги кўринишга эга:

$$\langle u \rangle = \frac{2e^{-b}}{k_2(b)} \left(\frac{1+b}{b^2}\right), \quad u_{\text{кв}} = \sqrt{\langle u^2 \rangle} = \sqrt{1 - \frac{k_1(b) - k_{i_1}(b)}{k_2(b)} b} \quad (15)$$

Ўртача тезлик ва ўртача квадратик тезликлар учун топилган (15) ифодалар релятивистик тақсимоиднинг яна бир муҳим тавсифи – газ зарраларининг ўртача квадратик флукутациясини топишимизга имкон беради:

$$Dv = \langle v^2 \rangle - \langle v \rangle^2 = c^2 [\langle u^2 \rangle - \langle u \rangle^2] = c^2 Du, \quad (16)$$

бу релятивистик идеал газ зарралари тезлигининг тавсифий четлашувини тавсифлайди.

$b \gg 1$  бўлганда ўртача тезлик ва ўртача квадратик тезликлар учун қуйидагини оламиз:

$$\langle v^2 \rangle \approx c^2 \cdot \frac{3}{b} \left( 1 - \frac{45}{(8b)^2} \right) \approx \frac{3kT}{m}, \quad \langle v \rangle \approx c \cdot 2 \sqrt{\frac{2}{\pi}} \cdot \frac{1}{\sqrt{b}} \approx \sqrt{\frac{8}{\pi}} \cdot \frac{kT}{m} \quad (17)$$


Ушбу натижалар Максвелл тезликлар тақсимотидан ҳам келиб чиқади.

$b$  параметрининг кичик қийматларида яъни  $b \ll 1$  (ёки  $b \rightarrow 0$ ), қуйидаги натижаларни оламиз:

$$\langle u \rangle = 1 - b^2, \quad \langle u^2 \rangle \approx 1 - \frac{1}{2} b^2. \quad (18)$$

Бинобарин, ультрарелятивистик чегарада релятивистик идеал газ заррачаларининг ўртача тезлиги ва ўртача квадрат тезлиги ёруғлик тезлигига - табиатдаги тезликлар чегарасига интилади.

Бу ерда, шунингдек, Максвелл-Больцман релятивистик идеал газ зарралари нормаллашган тезликлари модулларининг келтирилган тақсимот функцияси дельта функция шаклида бўлиши биринчи марта массасиз чегарага ўтиш орқали исботланди (6-расмга қаранг).



**6-расм. Максвелл-Больцман релятивистик идеал газ зарралари нормаллашган тезлиги модулларининг тақсимот функцияси ( $b=0,2$ )**

Шундай қилиб, релятивистик идеал газ (РИГ) заррачаларининг тавсифий тезликлари табиатдаги чегаравий тезлик - ёруғлик тезлигидан ошмайди.

Бундан ташқари, Нернст томонидан исботланган абсолют нол ҳароратга эришиб бўлмаслигини ҳисобга олиб, ҳар қандай ҳароратда фақат массасиз зарраларгина ёруғлик тезлигига тенг тавсифий тезликка эга деган хулосага келамиз. Албатта, ушбу хулосалар муҳим концептуал аҳамиятга эга, чунки улар релятивистик статистик физикада ҳам махсус нисбийлик назарияси постулатларининг тўғрилигини исботлайди.

Бошқача қилиб айтганда, "ёруғлик" ёки массасиз РИГ заррачалари ёруғлик тезлигига тенг бўлган бир хил тезликка эга ва улар тезликларининг йўналишлари тенг эҳтимоллик билан, яъни изотропик равишда тақсимланади.

Шу билан бирга, Максвелл тезликлар тақсимооти (14) массасиз соҳада "айнийд" ва ҳар қандай нолдан фарқли бўлган ҳароратда нолга тенг бўлади. Бу кутилган натижа бўлиб, норелятивистик физикага кўра массаси нол бўлган зарралар мавжуд бўлиши мумкин эмас, яъни эҳтимоли нолга тенг – буни эса Максвелл тезликлар тақсимооти кўрсатиб турибди.

Боб охирида РИГлар макроскопик хусусиятларини уларнинг зарралари тезлигининг тақсимот функцияси бўйича статистик ўртачалош асосида релятивистик идеал газ учун ҳолат тенгламаси келтириб чиқарилган.

Биз қуйида ишлаб чиқан назариянинг асоси қуйидаги релятивистик-инвариант ифодалар бўлиб, улар релятивистик идеал газ заррачаларнинг ўртача энергия зичлиги ва босимини аниқлайди:

$$\rho = nE_0 \left\langle \frac{1}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}} \right\rangle, \quad (A) \quad P = \frac{nE_0}{3} \left\langle \frac{\frac{v^2}{c^2}}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}} \right\rangle, \quad (B) \quad (19)$$

бунда  $n$  – газ зарраларининг концентрацияси,  $E_0$  - газ зарраларининг тинчликдаги энергияси ва қавслар идеал газ зарралари тезлигининг тақсимот функцияси бўйича ўртачалашни билдиради.

(19,A) ва (19,B) ифодалардан, ҳамда РИГ зарралари тезликлари тақсимот функциясидан фойдаланиб, Максвелл-Больцман релятивистик идеал газнинг ҳолат тенгламаси олинган ва бу тенглама РИГнинг босими, ўртача энергия зичлиги ва ҳароратини боғлайди:

$$\rho - 3P = nmc^2 \frac{k_1(b)}{k_2(b)}, \quad b = \frac{mc^2}{\kappa T}. \quad (20)$$

Бу ерда Максвелл-Больцман РИГ ўртача энергия зичлиги  $\rho$  қуйидагича ифодаланади:

$$\rho = nmc^2 \left[ \frac{k_1(b)}{k_2(b)} + \frac{3}{b} \right], \quad b = \frac{mc^2}{\kappa T}, \quad (21)$$

ва РИГ босими

$$P = nkT. \quad (22)$$

Максвелл-Больцман РИГ ўртача энергия зичлиги  $\rho$  ифодасидан фойдаланиб, хусусан, битта РИГ заррачасининг (ёки атомининг) ўртача кинетик энергиясини аниқлаш учун қуйидаги формулани оламиз:

$$\frac{\langle E_k \rangle}{kT} = b \cdot \left[ \frac{k_1(b)}{k_2(b)} + \frac{3}{b} - 1 \right]. \quad (23)$$

Охирги формула зарранинг ўртача кинетик энергиясини ва ҳароратни ўлчаш асосида зарра массасини аниқлашнинг ноанъанавий имкониятини беради.

Ишлаб чиқилган РИГ муқобил назариясининг қўлланилиши сифатида тўқнашувчи ультра РИГ зарраларининг эффективўртача квадратик кесими топилди ва у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\frac{\sigma}{\sigma_{\max}} = \sqrt{\langle u_1^2 \rangle + \langle u_2^2 \rangle - \langle u_1^2 \rangle \langle u_2^2 \rangle} \frac{2}{3}. \quad (24)$$

бунда  $\sigma_{\max}$  - кўзгалмас зарра билан тўқнашувчи зарранинг максимал эффектив ўртача квадратик кесими,  $u_1$  ва  $u_2$  - тўқнашувчи зарралар тезликларининг ёруғлик тезлигига нисбати.

Жумладан, охирги ифодадан ультрарелятивистик зарралар учун, яъни  $b \rightarrow 0$  да қуйидагини оламиз:

$$\frac{\sigma}{\sigma_{\max}} = \sqrt{\frac{4}{3}} \quad (25)$$

Биобарин, охирги формула тўқнашувчи ультра РИГ зарралари эффектив ўртача квадратик кесимининг чегаравий қиймати ўрнатади.

Диссертациянинг “**Квант идеал газларнинг релятивистик инвариант чекли-ҳароратли назарияси**” учинчи бобида квант идеал газларнинг релятивистик инвариант чекли-ҳароратли назарияси тақдим этилган. Бунда Максвелл-Больцман РИГ нинг муқобил назарияси квант статистикага бўйсинувчи РИГ лар учун умумлаштирилган ва квант РИГ ни тавсифловчи барча макроскопик катталиклар – газ зарраларининг импульслар бўйича инвариант ТФ асосида ўрталаштириш усули воситасида биринчи марта келтириб чиқарилган.

Шуни алоҳида таъкидлаймизки, КРИГ илк бор Юттнер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у ўз назариясини квант идеал газ учун эркин энергия ифодасига асослаган.

Дастлаб КРИГ зарралари сонининг ўртача зичлиги учун қуйидаги ифода олинган:

$$n = \frac{4\pi g}{h^3} (mc)^3 \frac{1}{b} \left[ k_2(b) + \sum_{n=1}^{\infty} \varepsilon^n \frac{k_2[(n+1)b]}{n+1} \right], \quad b = \frac{mc^2}{\kappa T} \quad (26)$$

Охирги ифода КРИГ зарралари сонининг ўртача зичлигини – иссиқлик энергияси  $\kappa T$  ва зарранинг тинчликдаги энергияси  $mc^2$  га нисбатининг ҳар қандай қийматида топиш имкон беради. Бу ерда:  $\varepsilon = -1, 0, +1$  – мос равишда Ферми-Дирак, Максвелл – Больцман ва Бозе – Эйнштейн тақсимотларига мос келади.

Ультрарелятивистик соҳада, яъни  $b \ll 1$  ёки  $b \rightarrow 0$  массаси нолга тенг зарралар учун қуйидаги ифодаларни оламиз:

$$n_{\phi Д} = 4\pi g_{-1} \left( \frac{\kappa T}{hc} \right)^3 \cdot 2 \cdot \frac{3}{4} \xi(3), \quad n_{МБ} = 4\pi g_0 \left( \frac{\kappa T}{hc} \right)^3 \cdot 2, \\ n_{БЭ} = 4\pi g_1 \left( \frac{\kappa T}{hc} \right)^3 \cdot 2 \xi(3) \quad (27)$$

Аксинча норелятивистик соҳада (ёки образли тарзда айтганда ўта оғир зарралар учун), яъни  $b \gg 1$  бўлганда

$$n_{\phi Д} = 4\pi g_{-1} \left( \frac{\kappa T}{hc} \right)^3 \cdot \sqrt{\frac{\pi}{2}} b^{\frac{3}{2}} e^{-b}, \quad n_{МБ} = 4\pi g_0 \left( \frac{\kappa T}{hc} \right)^3 \cdot \sqrt{\frac{\pi}{2}} b^{\frac{3}{2}} e^{-b} \\ n_{БЭ} = 4\pi g_1 \left( \frac{\kappa T}{hc} \right)^3 \cdot \sqrt{\frac{\pi}{2}} b^{\frac{3}{2}} e^{-b} \quad (28)$$

(28) ифодадан кўриниб турибдики, Максвелл-Больцман, Ферми-Дирак ва Бозе-Эйнштейн статистикаларида зарралар сонининг ўртача зичлиги  $\sqrt{\frac{\pi}{2}} b^{\frac{3}{2}} e^{-b}$  га пропорционал бўлиб, у образли қилиб айтганда оғир норелятивистик зарралар ҳиссасининг экспоненциал “камлигини” кўрсатади. Демак, КРИГ зарралар сонининг ўртача зичлигига энг катта ҳиссани массасиз зарралар кўшар экан.

Бундан ташқари, квант релятивистик идеал газнинг ўртача энергия зичлиги учун қуйидаги ифода олинган:

$$\rho = 4\pi g \left( \frac{\kappa T}{hc} \right)^3 \cdot (\kappa T) b^4 \times \\ \times \left\{ \frac{k_2(b)}{b} + \sum_{n=1}^{\infty} \varepsilon^n \cdot \frac{k_1[(n+1)b]}{(n+1)b} + 3 \cdot \frac{k_2(b)}{b^2} + 3 \sum_{n=1}^{\infty} \varepsilon^n \cdot \frac{k_2[(n+1)b]}{(n+1)^2 b^2} \right\}. \quad (29)$$

Бу ифода газ зарралари қайси статистикага бўйсунушидан қатъий назар ўринлидир.

Ультрарелятивистик соҳада ўртача энергия зичлиги қуйидагича топилади ( $b \ll 1$  ёки  $b \rightarrow 0$ ):

$$\rho_{\text{МБ}} \equiv 6g_0 A, \quad \rho_{\text{ФД}} = 6g_{-1} A \cdot \frac{7}{8} \xi(4), \quad \rho_{\text{БЭ}} = 6g_1 A \cdot \xi(4), \quad (30)$$

